

# ★ ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 91 (65967)  
1996 йил, 7 декабрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

СЕНИ  
СЕВИШАР



Сени севишар, чунки  
 Сен ўғилсан отангга!  
 Сени ўйлаб мардона  
 Бобонг ҳам кирган жангга.  
 Онанг аллалар айтиб,  
 Оқ ювиб, оқ тарайди.  
 Хаялласанг кўчада  
 Бувинг йўлга қарайди.  
 Сени шундай асрашар  
 Улар ҳар қандай дамлар.  
 Билгин, шундай асрайди  
 Келажагин одамлар!  
 Сени севишар, чунки  
 Сен элчисан ҳаётга.  
 Катта меҳр юклаган  
 Сендаги жуфт қанотга.  
 Бу меҳрни авайлаб,  
 Тортиқ қилмоқ пайти бор.  
 Сен ҳозирдан уларга  
 Раҳматингни айтиб бор!

### Шу сонга хабар

#### ЁШ ҲИМОЯЧИЛАР

Тошкентдаги 258- мактаб-лицейда Конституциянинг 4 йиллигига бағишлаб байрам кечаси утказилди. Ҳуқуқшуносликка ихтисослашган мактаб-лицейга қонун билимдонлари ташриф буюрдилар. Улар мактабда утилаётган ҳуқуқ фанларининг қандай ушлаштирилаётгани билан қизиқдилар ва Миллий Конституциянинг афзалликлари ҳақида гапириб бердилар.

Кеча сунгида «Уткир зеҳнлилар» курик-танлови иштирокчилари меҳмонлар эътиборини узига торғиди. Чунки бунда лицей уқувчиларининг билимлари яққол намоён булди. Голиблар турли совгалар билан тақдирландилар.

Махмуда ХАЙДАРОВА.

— Нечанчи синфда уқийсан?  
— Уйғонишданман.  
— Мен сендан жиддий сурайтман. Нечанчи синфдан?  
— Бизда синф йўқ, ака.  
Юз-кузидан тийрақлиги яққол сезилиб турган, узини Дилмурод Кучқоров деб

соатма-соат узгараётган фан. Бизда математика ҳам, рус ва инглиз тиллари ҳам махсус ургатилади. Зур иқтисодчи бўлиш учун 3—4 тилни билиш шарт. Чунки улар яқин келажакда мамлакатимизнинг иқтисод устунларига айланиши, қолаверса, чет элларда иқтисод ишла-

ладик. 3-синфларни ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ деб атайтмиз. Ҳамкорлик булсагина, тараққиёт ҳам булади. Асл мақсадимиз — иқтисод тараққийпарварларини етиштириш.

— Зухра Оқиловна, ҳали санаганингизда диққат қилдим, сизда 4-синфлар йўқ экан, 5-

ДАН, ТАРАҚҚИЁТдан УЙҒОНИШга сакрашади.

— 4-синфда ёмон уқувчиларгина...

— Ёмон уқувчиларимиз жуда кам. Баъзиларигина оила муҳитидан келиб чиқиб, «аёло»га узлаштиролмайтми. Шуларгина 4-синфда қолишади. Ахир, биз халқ таълими вазирига назарида турган, иқтисодга йўналтирилган ягона биринчи сонли уқув комплексимиз. Шундан келиб чиқиб, бу ерга асосан иқтисодга қобилиятлиларни чертиб-чертиб оламиз. Жами 110 уқувчи.

— Зухра Оқиловна, мактабнинг уқув режаси ҳам бошқачароқ бўлса керак?

— Албатта. Уқувчиларимиз

фон, уқувчилар тасарруфидан. 22 профессор ва фан кандидатлари, иккита дипломли олий тоифали уқитувчилар уларга махсус билим бераёттирлар. Дарслар 40 дақиқадан. Баҳолаш жараёни рейтинг усулида. Ҳар чоракда аттестация бўляпти. Шубҳасиз, синовларда барча махсус фан уқитувчиларининг, айниқса, профессор, математика ҳамда иқтисод фанлари доктори Муфтулло ака Хужаев, иқтисод фанлари номзоди Муҳибов Ёрқин Учқуновичларнинг, олий тоифали инглиз тили муаллимаси Алесия Екатерина Ильиничнининг мулоҳазаларига катта эътибор берамиз. Ота-

## ИҚТИСОД ҚАСРИДАН РЕПОРТАЖ

таништирган болакай саволимизга шундай тушунарсив жавоб берди-ю, югурганча дарсга кириб кетди.

— Зухра Оқиловна, — дейман мактаб директори хузурига кириб, сунг бояги савол-жавобни айтиб бераман, — бу нима дегани.

— Бу шуки, бизда синфлар Сафдошлик — «1-синф», Бардошлик — «1-синф», Интилиш — «2-синф», Ижодкорлик — «2-синф», Ҳамкорлик — «3-сакратма синф», Тараққиёт — «3-синф», Уйғониш — «5-синф» деб юритилади. Синфларимиз рамзий номланган. Биз Мустақиллигимиз байрами кунини — 1 сентябрда мактабимизда юз-кузи порлаб келадиган болакайлар сафини — САФДОШЛИК деб атадик. Ниятимиз — бу бир саф, қарийб бир хил уйли ва бир хил буйли болакайлар дастлабки кунданок бир тану бир жон, бир саф булсин. Бардошлилик — бу болакайлар илм эгаллашда бардошли булсинлар, дегани. Негаки, улар республикада ягона махсус иқтисод қасри мактаби уқувчиларидир. Иқтисод илмини эгаллаш жуда қийин. Гарчанд бу ерда уқув хоналари компьютерлашган, уқитувчиларимизнинг аксарияти профессор ва фан номзодлари булсаям. Ахир, у кундан-кун,

римизнинг вакиллари сифатида иш куришлари лозим булади.

— Иккинчи синфларни...

— Иккинчи синфларни (улар ҳам бизда иккита) бирини ИНТИЛИШ, иккинчисини ИЖОДКОРЛИК деб номладик. Кунг, сабр-тоқат, бардошлиликка эга булган уқувчигина ютади холос, хаёлпараст, шоввоз ёки хомхаёл деган лақабдан қурқмаслиги керак. Бу лақаблар уни олганни эмас, туқиб чиқарганни купроқ шарманда қилади. Ижодкоргина кашфиёт ва ихтиролар қила олиши мумкин. Шу орзу-умидда биз иккинчи синфлардан бирини ИЖОДКОРЛИК деб ном-

## Ё К И

синфни эса УЙҒОНИШ деб атабсизлар.

— Тугри пайқабсиз. Эътибор қилган булсангиз, боя ҲАМКОРЛИК синфи (3-синф)ни сакровчи синф дегандим. Яхши уқувчиларимиз ҲАМКОРЛИК-

эртадан кечгача шуғулланганлари боис, дам олиш ташкилланштирилган, 4 маҳал овқатланштирилади.

Унлаб уқув хоналари, 10 та компьютер, қушлаб махсус уқув жиҳозлари, жумладан, линга-

оналар билан ҳам доимий алоқадамиз.

Катта бир янгилигимиз бор. Муҳибов Учқун Ёрқинович билан биргаликда «Иқтисодалифбоси» яратдик. Нокамтарлик булса-да, айтишга мажбурман, бундай дарслик ҳали жаҳон буйича яратилмаган экан. Китобнинг бир қисми яқинда Ўзбекистон республикаси мактабларида иқтисодий таълим дастури тарзида 1500 нусхада чиқди. Жаҳонда ягона дарсликнинг янги, энг катта булимини «Иқтисод қасри» деб номладик... Кимки шу китобни қўлга кирита олса, иқтисод алифбосидан сабоқ олиб «Иқтисод қасри»га бемалол ташриф буюриши мумкин. Мен барча-барчани жону дилдан ИҚТИСОД ҚАСРИГА таклиф этаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Ўрол ЎЗБЕК.

## СИНОФСИЗ МАКТАБ ҲАҚИДА



Устоз, мен жавоб берай, — деб биринчилардан бўлиб Улугбек Очилов кул кутарди ва доскада ҳисобдан уй вазифасини дарров бажарди. Бундан узи ҳам, устози ҳам хурсанд.

Ханифа опа Ганиева 27 йиллик меҳнат фаолиятини Сирдарё туманидаги 18 урта мактабнинг бошланғич синфларига билим беришга бағишлади. У киши болаларни тезда толиқиб, дарсдан безиб қолмасликлари учун дарсларни мажбурий тарзда эмас, балки эркин, курғазмалли қуроолар, суҳбатлар асосида уқитишга ҳаракат қилади. Ҳисоб, атрофимиздаги олам, табиат каби дарсларни иложи борича очиқ ҳавода, амалий машғулотлар тарзида олиб боради.

Уқувчиларнинг кейинги босқичларда қандай уқиши, узлаштириши асосан бошланғич тарбиядан, қолаверса уқитувчининг фидоийлигидан дарак беради. Фидоийлик Ханифа опа Ганиевага хос фазилатдир.

Сураткаш:

Х.ТОШМУҲАМЕДОВ.

«Узинг учун ул етим» деган мақолни ҳар ким ҳар хил тушунади. Буни инкор қилишга шўшилманг! Мен бир гап айтдимми, албатта исботлаб бераман.

Эътибор берган булсангиз, ҳамма газета ва нашрлар қарийб икки ойдан бери обуна масаласида куйиб-пишяпти. Уз уқувчилари сонини кўпайтириш йулида тиним билишмаёттир. Демак, юқоридаги мақолдан тугри хулоса чиқариб олишган. Булар орасида «Тонг юлдузи» ҳам бор, албатта.

Аммо масаланинг бошқа бир томони бор. «Тонг юлдузи» уқувчилари асосан ёшлар бўлиб, газетанинг мақсади ҳам миллатимиз келажакда булган фарзандларни маънан бойитиш, порлоқ келажакларига замин тайёрлашдир. Афсуски, бола барибир бола. Уларга «керак булса келажакнинг учун узинг қайгур, газета керакми, топиб уқи» қабилда муомала қилиб булмайди. Куринадики, улар учун ҳам ота-она, маҳалла, мактаб, раҳбарият, қолаверса, сизу биз қайгуришимиз керак. Афсуски, «Тонг юлдузи»га обуна булганлар сонини куриб, жуда купчилик гафлат уйқусида ётганимкин, деган хижолатта бордик. Балки жойлардаги масъул кишилар «узинг учун ул етим»ни бошқачароқ тушунгандилар. Менинг эса уларга бир гапим бор. Бу мақолни биз узимизга айтиб курганмиз. Келинг, энди сиз ҳам

узингизга бир айтинг ва шунда ёдингиздан кутарилмасинки, «узинг»нинг ичида «фарзандларинг» ҳам ётибди.

Мана бу эса «Тонг юлдузи»га обуна булганлар руyxати. Фарқлаб олаверинг, кимлар купроқ гафладою, кимлар сергакроқ. Зеро, «Гапни гапир уққанга»...

Қаламини зурга тухтатиб,  
РОСТГҲЙ БОЛА.

## «ГАПНИ ГАПИР...»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — 339 (Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Ж. Отамуродовни кунгирок қилиб уқулмайтмиз. Аммо ходимлари Таваккал Халилов биз учун интервью беришга рози булганларига, саволларимизни ёзиб олиб, тезда жунатишга ваъдалашганларига бир ойдан ошди. Бундай аҳволда қандай қилиб уч минг обуначини йиғиш мумкин Қорақалпоғистондан?)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ — 247. (Бошқарма бошлиғи Ж. Х. Халилов жуда катта ваъдалар бераёттирлару, аммо... Қачон 6000 обуначини тупларкинлар-а?)

БУХОРО ВИЛОЯТИ — 524. (Бошқарма бошлиғи Сангча опамиздан умидимиз катта. Фарзандлар маънавияти учун қайгуради-

лар. Айтинг-айтинг ой охиригача Бухородан обуначилар 4000 дан ошди, деган кунгирок булсин-да!) ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ — 273.

(Болалар, газетамизда Жиззах вилояти бошқарма ходими Олимжон Исоқжоновнинг суҳбатини уқигансиз. Болалар уқисин, излансин, келажакга учун курашсин, деб куонадиган Олимжон акангиз, билмадик қачон 4000 дан ортиқ уқувчилар газетамизга обуна булшди, деб хабар қиларкинлар?)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ — 155. (Қашқадарё билан ҳеч боғланолмаймиз. Билмадик, улар 7000 обуначи йиғишармикан? На ваъдаларини ололдик, на...)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ — 42. (Уят-а? Наҳотки, Навоийда газетхон болалар шунчалар кам булса? Бунақада 3000 обуначини йўқотиб қўямиз-ку!)

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ — 337. (Бошқарма бошлиғи Ҳабибулла Убайдуллаев телефонда минимум 5000 уқувчини обуна қилдирамиз, дедилар. Ишондик. Аммо вақт кутиб турмайди. Ахир янги йил эшик қоқяпти!)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ — 807. (Ҳар ҳолда тузук. Лекин Анвар Иззатовичнинг ваъдалари бошқача эди. 7000 уқувчи «Тонг юлду-

## Вилоятлардаги халқ таълими бошқармалари бошлиқлари диққатига

зинг муштариёси бўлиши учун яна қанча вақт керак экан?)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ — 161.

(Сурхондарёни ҳам Қашқадарё каби ҳеч тугулмайтмиз. Айтинг-айтинг бошқарма бошлиғи Рузбой Рашидович икки вазирилик — халқ таълими ва Давлат матбуот

бергандилар. Демак, 4000 муштариёни йиғолмай, уйланиб юрган булсалар керак-а?)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ — 73.

(Олег Аҳмедович ҳам жонқуяримизга ухшагандилар, назаримизда. Эрта-индин уз фикр-мулоҳазалари билан хатто чиқиш ҳам қилмоқчи эдилар. 6000 муштариёни қандай тупларкинлар-а?)

ТОШКЕНТ ШАҲРИ — 170.

(Ҳамидулла Қасимович «энди уятга қолмаймиз», дедилару?.. Тиним билмайдиган, қачон сураб-суриштирадик, сафару йигилишлардан бушамайдиган бу бошқарма бошлиғимиз ҳам «Тонг юлдузи»га бепарқ булмай эрта-индин муштариёларимиз 2500 дан ошди десалар ажаб эмас.)

АЗИС БОШҚАРМА БОШЛИҚЛАРИ!

Чиндан ҳам бу фактлар аниқ эмасдир. Бизнинг назаримизда ҳам муштариёлар обуна булганлик варақасини топширишни унуттишгандир? Лекин сизлар «Тонг юлдузи»га обуна қилиш мавсуми тугаб бораётганини унутмасангизлар булгани. Хабар ва кунгирокларингизни қутамиз.

қумитасининг хатини олган булсинлар. Акс ҳолда 6000 обуначи йўқолди, дейверинг.)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ — 227.

(Светлана Акрамова болажон аёл. Билимдон болалар — оналар фахри. Уйлаймизки, улар ҳам тезликда 2000 обуначилари билан фахрланиб, бизга хабар қиладилар.)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ — 522.

(Қизик, бошқарма бошлиғи Турсунали Қурбонвич бу йилги «Тонг юлдузи» муштариёлари 10 мингдан кам булмайди, деб кунгирокча ишонч билан айтдилар-ку, матбуот тарқатувчилар сонда янгилишди-микан?)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ — 158.

(Мадраим Жуманиезов бир суҳбатда «Тонг юлдузи»ни уқиб улгайганини таъкидлагандилар. Хатто газета учун уз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишга ҳам ваъда

# КИТОБСIZ УЙ-КУЁШСИЗ УЙ

Утган замонда бир подшо утган экан. Бир куни у вазиру-уламоларини чақириб: — Дунёда энг зур, ҳамма нарсдан хабардор этувчи нима? — деб сурабди. У дейишибди, бу дейишибди, аммо саройдагилар аниқ жавоб бера олмабдилар. Ҳатто уларнинг ичида ҳамма нарсдан хабардор қилувчи «Ойнаи жаҳон»дир дейдиганлар ҳам топилибди. Аммо подшо буларни рад этибди ва «Топсангиз топдингиз, булмаса ҳаммангизни бошингиз кетади», — дебди. Подшодан курққан уламолар ҳар ёққа тарқалишибди. Ва бир донишмандни топиб ке-

лишибди.

— Дунёдаги энг зур нарса нима? — сурабди шоҳ.

— Китоб! — сира иккиланмай жавоб берибди донишманд. — Чунки, китоб билим беради. Билимли одам эса енгилмасдир.

— Дунёдаги энг керакли нарса нима? — сурабди шоҳ.

— Китоб! — дебди яна донишманд. Инсон учун дунёда икки нарса азиз ҳисобланади. Бу китоб ва нон. Шунинг учун нон қанчалик муътабар саналса, китоб ҳам шунчалик азиздир!

— Дунёдаги энг катта бойлик нима?

— Китоб ва билим. Чунки, ҳар қандай бойлик талон-тарож булиши ёки уғирланиши мумкин. Аммо китобни ва инсоннинг миясидагини ҳеч кимса уғирлай олмайди.

Донишманднинг ақллитига қойил қолган шоҳ, унга инъомлар берибди ва саройда кутубхона ташкиллаб, узи китобларга куз-қулоқ булишини тайинлабди. Қиссадан ҳисса шуки, китоб уқиган уқувчи ҳеч қачон кам булмайди. Шунчалик китоблар орасидан зарур китобни қандай танлаймиз? — деб сурашнинг мумкин.

Бу уринда ота-онангиз, уқитувчингиздан ташқари кутубхоначи ҳам ёрдам беради. Яъни сизда теран уқиб маданиятини устириш билан шуғулланади. Кутубхоначи китобга меҳрингизни янада мустақкамлаш учун турли талбирлар утказиб туради. Узингизга керакли китобни топишингизда яқиндан ёрдамлашади. Худди ана шундай заҳматкаш кутубхоначилардан бири Сирдаре тумани, «Янги ҳаёт» жамоа

хужалиги Самарқанд маҳалласида жойлашган Низомий номли 26-урта мактабда ишлайди.

— Мен буш вақтларимда китоб уқишни яхши қураман, — дейди Назира Қосимова.

— Шу мактабда 3 йилдан бери бош етакчи булиш билан биргаликда кутубхоначилик ҳам қиламан. Уқувчиларга бадиий китобларни танлашларида ёрдам бераман.

— Китобни тартибли, мақсадли уқиш лозим. Куринган китобни «шунчаки уқиш булса булди» дейиш нотўғри. Китоб уқишнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Шу боис ҳам китоб уқиш маданиятини чуқур билиб олиш ва унга амал қилиш, уқувчининг бурчи деб биламан. Китобсиз уй — қуёшсиз уй демакдир.

Топаи десанг камол,

Олтин эмас, китоб ол, — деб бежиз айтилмаган.

Тўғрими? Сиз бунга қандай қарайсиз?

**Озода ТУРСУНБОЕВА,**  
Суратда: 26-ўрта мактабнинг бош етакчи ва кутубхоначиси Назира Қосимова севимли иш жойида.

**Х. ЗУЛФИҚОРОВ** олган сурат.


## ЁНҒОҚ ҒОЙДА БЕРДИ

Ёсимни танибманки, дадам буш булди дегунча газетадан бош кутармайдилар. Газета саҳифаларидаги қизиқарли, баҳсга чорловчи, уйлантирадиган мақолаларни оилавий муҳокама қиламиз. Дадам «Маърифат», «Ўзбекистон овози», «Халқ сузи» каби газеталарнинг ҳар бир сонини қўймай уқийдилар. Яқинда эса улар «Бу йил газета ва журналларга обуна нархи бироз ошиб кетибди-да»

Обуна — 97

деб қолдилар. Дадам билан келишиб, ишга тушдик. Ҳовлимизда тўрт туп ёнғоқ бор. Ёнғоқни қоқиб, қуриштириб, бозорга олиб чиқиб сотдик. Бу иш барчамизга маъқул булди. Ота-онамга моддий зарар етмади, менга маънавий ғойда берди. Чунки, мен ҳам «Тонг юлдузи»га обуна булдим. Мен обуна масаласида бироз қийнаётган тенгдош дўстларимга ҳали ҳам кеч эмас, дейман. Иложини топиб «Тонг юлдузи»га обуна булинг. Ғойдасини кейинги йил кўрасиз.

**Моҳинур УЛУҒБЕК қизи,**  
Андижон вилояти, Бўз тумани,  
9-мактаб.



Жажжи қаҳрамонимиз Жаҳонгир Шукур Самарқанд вилоятининг Иштихон туманига қарашли Митан қургонидаги Қучқор Қаршиев номли 41-урта мактабнинг 5-«Б» синфида уқийди. Биз ижодий сафар билан шу музофотда булганимизда қай бир нуфузли даврада у ҳақда илиқ фикрлар эшитдик ва унга ғойибона меҳримиз ортиб, тароватли куз кунларининг бирида Жаҳонгир уқийётган мактабга қараб йул олдик...

нимиз, шарафимиз. Ҳашар, ҳашардаги озми-купми меҳнат шарқона тарбия соатларидир. Хуллас, Жаҳонгир уқийдиган мактаб уқувчилари ҳам пахтада экан. Кечки пайт у билан учрашдим.

— Жаҳонгир, бугун сени йўқлаб мактабингга боргандик. Бир мўйсафид ота-хон ҳамма уқувчиларни ҳашарда деб айтди. Хуш, бугун қанча пахта тердинг?

— Ун беш кило.

— Ахир бу оз-ку! Еки дангасалик қилдингми?

ет! Аммо прокурор дегани нима узи? Прокурорлар узи нима иш қилади?

— Прокурорми? Прокурор ёмонларни суд қилади, уғрилари жазолайди. Яхшиларни эса қамоқдан қутқаради...

— Яхшилар ҳам қамоққа тушадилми?

— Э, булмасам-чи. Дадам айтган, тўхматдан қамоқда утириб чиққанлар қанча!

— Жаҳонгир, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, хусусан адолатни, яъни ҳақиқатни улуглаган ажойиб бир

— Дониёр Тошмухамедов ва Охунжон Мадалиев қушиқларини яхши қураман.

— Тинглашнимми?

— Тинглашни ҳам, айтишни ҳам.

— Улар кўпинча севги-муҳаббат ҳақидаги қушиқларни ижро этишади. Бу қушиқлар сенинг ҳозирги ёшингга тўғри келмайди-ку? Еки...

— Билмадим... Лекин қушиқ айтиш-

## ЖАҲОНГИР ШУКУР ПРОКУРОР БЎЛМОҚЧИ

Митан қургонидан чиқиб, Иштихонга — туман марказига қараб кетаверишда йулнинг унғ томонида пахта тўзалаш заводи, чапда эса яқиндагина ғойдаланишга тоширилган кўп қаватли замонавий шифохона ва бошқа жамоат бинолари бор. Завод қошидаги пахта қабул қилиш пунктига «оқ олтин» карвонлари тинмай келиб турибди. Ҳамма ерда сафарбарлик. Таъбир жоиз булса, элимизнинг кексасидан тортиб, мактаб уқувчисигача ҳосил тақдирини уйлайди. Меҳнаткаш, меҳр-оқибатли халқимиз ҳашар десангиз, «ҳашар — элга ярашар» шиорини байроқ қилиб, шарқона бу удумни жойига қўяди. Шу куни уқувчилар ҳам оммавий ҳашарга чиққанлигини, улар баҳоли қудрат пахтакорларга кумак беришгаётганини эшитиб унчайм ажабланмадик. Негаки, вақт кутиб турмайди. Бунинг устига ҳаво ҳам гоҳогоҳ қовоғини уюб турибди. Ахир, пахтанинг турган битгани бойлик, шо-

— Йук, бундан ҳам кўпроқ теришим мумкин эди. Лекин ташкилий ишлар билан банд булиб қолдим.

— Қанақа ташкилий иш, билсак буладими?

— Синф раҳбаримиз Феруза Ботирова узи билан бирга «Тонг юлдузи» газетасининг янги сонини олиб келган экан. Газетани куздан кечириб ундаги мақолалар, топишмоқлар, шеърлар бизга жуда ёқди. 1997 йил учун «Тонг юлдузи»га обунани ташкилладик. Мен ёзув-чизув билан овора булиб кетдим.

— Жаҳонгир, ростингни айт, мактабларингда, яъни тенгдошларинг орасида шундай газета борлигини билмайдиганлар ҳам бордир-а?

— Бор! Улар фақат «бизнесмен» булишни уйлашади. Уқишга қизиқишмайди.

— Сен келажакда ким булмоқчисан?

— Менми? Мен прокурор булмоқчиман!

— Яхши. Уқажон, албатта ниятингга

гапи бор. Қани, билимингни бир синаб қурайлик-чи, жаҳонгир бобомизнинг шу хусусдаги фикрини ёддан айтиб бера оласанми?

— Бунга сўзма-сўз биламан. Эшитинг: «Адолат кучли, куч эса адолатли булмоғи лозим».

— Сен уқийётган 41-урта мактаб Қучқор Қаршиев номи билан аталаркан. Қучқор Қаршиев узи ким булган?

— Қучқор Қаршиев — собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони. У бир пайтлар қургонимиздаги 19-урта мактабда таҳсил олган, урушга кетиб, мардларча ҳалок булган. Эндиликда уша собиқ 19-мактаб бизнинг мактаб ҳисобланади.

— Жаҳонгир, эшитишимча, сен қушиқ ҳам айтаришимсан? Шу ростми?

— Ростликка-ростку-я... Аммо...

— Нима, «аммо»? Еки биздан уялсанми? Қурқма, қушиқ айтиб бер демакчимасми. Узи санъаткорлардан кимларнинг қушиқларини яхши қураган?

да уларга жуда-жуда ухшагим келади.

— Демак, Жаҳонгир Шукур прокурор эмас, келажакда санъаткор булиши аниқ экан-да?! А, нима делдинг?

— Йук, барибир прокурор буламан!

— Прокурор буламан деган бола қатъиятгли, уқишлари эса доим аъло булиши керак.

— Ҳозирча ҳаммаси «4» ва «5», бундан кейин ҳам фақат аъло баҳоларга уқимоқчиман.

Ана шунақа! Қаҳрамонимиз Жаҳонгир Шукуров билан шу тариқа суҳбат булиб утди. Суҳбатимиз сунгида Жаҳонгиржон Ўзбекистонимиз мадҳиясини гоёт мароқ билан ёддан айтиб берди. Жаҳонгирнинг овозида — Мадҳия оҳанглирида «Жаҳонгир албатта прокурор булади!» деган маъно устивор эди.

**Абдулла ТУРДИЕВ.**



Ишхонамизга кириб ҳам улгурмасимдан, эшик оҳиста очилиб, Тошкент республика Нафис санъати лицейининг укучи-қизлари кириб келишди:

— Юлдузхон, бугун «Тонг юлдузи»га бобомиз Рамз Бобожон келарканлар, деб эшитдик. Шу ростми? — дейишди улар.

— Рост, келиб яхши қилиб-сизлар-да. Қани ичкари киравринглар...

...Рамз бобо бизни кўп кутирмадилар. Қулларида бир даста китоб, қоғозлар кутарганча, шоғирдлари, таниқли ТВ режиссёри Ҳамид Қахрамонов билан келиб қолдилар. Саломалик қилиб ҳам улгурмай, қизлар атрофларини ураб олишди, «бобожон, бобожон»лаб саволларга «кумиб» ташлашди.

— Она қизларим, попуқ қизларим, ҳозир ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман, — дедилар бобом.

Тахририятимиз учун ажратилган хоналар сони, шарт-шароитларимиз, ходимларимиз имконияти, ҳамма-ҳаммаси билан қизиқдилар. Газетамизни бирма-бир вароқладилар, укучиларнинг қувноқ шеърларини уқиб, юзларига табассум югурди.

— Сизларга қараб туриб, ешлигим, болалик чоғларим ёдимга тушиб кетди, — дедилар. — Онам уқимишли, зиёли аёл булганлар. Ишлари жуда кўп булса ҳам фурсат топиб, менга Хувайдо, Нодира, Фузулийларнинг шеър ва газалларидан уқиб берардилар. Уларни худди ёқимли алла тинглагандек, мароқ билан эшитардим. Яна, Комилжон Иброҳимов деган поччамиз булардилар. Уларнинг ҳам адабиётга, шеърятга иштиёқлари бор эди. Шу боис ҳам уйимизга Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоир ва ёзувчилар тез-тез келиб туришарди. Улар даврасида утириш, мушоира тинглаш — менинг энг сеvimли машғулотим эди.

Бобомнинг ҳовлилари ҳозирги Цирк биносининг урнида буларди. Бобом ҳам маърифатпарвар одам эдилар. Жуда кўп-кўп рубоий ва газаллар билардилар. Айниқса, «Улгурғуси» ни

қушиқ қилиб қуйлаб юришни ёқтирардилар. Ёнбошлаб олиб шу қушиқни айтганларида мен ҳам ёнларида ётиб, ортиқча бармоқлари бор эди, уни уйнай-уйнай ухлаб қолардим.

«Янги ҳаёт» номли мактабга ilk бор қадам қўйган куним кечаси билан ухламай чиққан-ним ёдимда. Мактабда ҳам аъло уқиган булсам керак, бир гуруҳ аълочи укучиларни Шоҳимардонга дам олишга юборишган. Табиат қуйнида чодирлар тикиб яшаганмиз. У ернинг хушманзара табиати, гузаллигига мафтун булиб, биринчи шеъримни ёзгандим. Унга «Шод-



ганларини ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эслайман. Ушанда, 14 ёшда эдим, 1935 йил эди.

Тақдир экан, кейинчалик, яъни 1947-52 йилларда узим шу газетага муҳаррирлик қилдим.

Пиримқул Қодиров, Пулат

муаллифни чақиртириб, мактуб ёзгандим. Одил Ёқубов солдагина қишлоқ боласи, солдат кийимида кириб келди. Имкон қадар, энг арзон меҳмонхоналардан бирига жойлаб қўйгандим. Кейин уч ой давомида қиссаси газетамизда чиқиб турди. Одил Ёқубов тахририятимизда узи тахрир қилиб утирарди.

Авваллари газетамиз биноси курумсиғина иккита хонада жойлашган булиб, муҳаррир ҳам, корректорлар ҳам бир хонада утирардик. Ёғоч пиллапоялари ҳам омонат эди, қурқиб-қурқиб қадам босардик. Шундай булсада, муҳарририятимизнинг файзи булакча эди.



май янги бир шеър ташлаб кетардилар. Миртемир тайёр асарлар олиб келса, Пулат Мумин Фафур Гуломнинг кетидан бориб, янги шеър «ундириб» келарди. Завқу шавқ билан, қандайдир кутаринкилик билан ишлардик...

Сухбатимиз уз-узидан мушоирага айланиб кетди. Биз у кишининг шеърларидан ёд айтдик, бобо ҳам янгиларидан уқиб бердилар. Фарзандлари, ширинширин набиралари ҳақида меҳр билан ҳикоя қилдилар. Қизларимизнинг: «Уз ижодингиздан қониқасизми? деган саволларига, бир суз билан «Умримдан розиман» дедилар. Бобомизни қутлуғ 75 ёшлари билан самимий қутлаб, ич-ичимиздан, ёмон кузлардан асрасин, дея ният ҳам билдириб қўйдик. 3 жилдлик «Танланган» асарларини совға қиларканлар, газетамиз фаолиятини ижобий баҳолаб, муштарийларимизга, уз набираларига тилак ва истакларини ҳам шеърый йул билан изҳор қилдилар:

СҮЮКЛИ, АЗИЗ «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА!

Тонготар уйғониб, тонгда кўраман:  
Ўтган болаликми ё тонг юлдузи?  
Кўз юммай кечалар хаёл сураман,  
Наҳотки беҳуда?  
Эгиз иккиси!  
Шодман! Кексалигим ўзи бир синок,  
Сиз борсиз бахтимга, бахтли пешонам.  
Мабодо, сочимга тушган бўлса ўқ,  
Демак, тиниқликдан, нурдан нишона...  
Сизга саломатлик, давлат тилайман,  
Мустақил юртимнинг ўғил-қизлари!  
Сизга тахт тилайман, омад тилайман,  
Нурафшон юлдузлар, тонг юлдузлари!


## РАМЗ БОБОМ КЕЛДИЛАР

лигим» деб ном қўйиб «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»га юборганман. Уша пайтда газетага Йулдош Шамшар муҳаррирлик қилардилар. У пайтларда укучиларга қалам ҳақи туланмасди. Йулдош ака дафтар, ручкалар совға қилиб, қуллимни қаттиқ сиқиб табрикла-

Мумин, Ёқубжон Шукуровлар бирлари адабиёт, яна бирлари проза булимларини бошқаринарди.

Бир куни қалингина бир мактуб келди. Одил Ёқубов «Тенгдошлар» номли қиссасини юборган экан. Уқиб чиқдим, маъқул булди. Қизиқиб қолиб,

Фафур Гулом, М. Шайхзода, Миртемирларнинг қадами аримасди. Уларнинг ҳар бири узга бир олам, табиатлари турлича эди. Мақсуд Шайхзода келиб: «Менга бир пиёла чой билан бир варақ қоғоз беринглар-да узингиз чиқиб кетаверинг» дердилар. Орадан ҳеч фурсат ут-



### НАБИРАМ БАҲОДИРНИНГ ШЕЪРИ

Менинг отим Баҳодир,  
Асли зотим баҳодир...  
Бобом Рамз Бобожон  
Ҳиммати бебаҳодир.

Адам менга меҳрибон,  
Аям эса гиритгон.  
Ойижоним бахтимга  
Омон бўлсинлар, омон.

Акаларим кўндир, кўп  
Хулкар мисоли бир тўп...  
Энг каттаси Улугбек,  
Не тиласам, дейди «хўп».

Бири-биридан яхши,  
Азиз кўнглимнинг нақши.  
Хондамир гапирганда  
Тилга киради бахши.

Энг кичиги ўзимдир,  
Юлдуз, балки кўзимдир...  
Акаларим қатори  
Ука кўриш орзумдир.

Истардим, катта бўлсам,  
Укамга ака бўлсам.  
Кимга керак бу шеърим,  
Мабодо якка бўлсам?

Рамз БОБОЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири.

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Тахрир ҳайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0709. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топшириш вақти — 18.30</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137</li> <li>• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</li> <li>• Нашр кўрсаткичи: № 64563</li> <li>• Телефон: 33-44-25</li> </ul>
---	---	--	--	--